

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМОНОВ СУНАТИЛЛО МАХМУДОВИЧ**

**УЗЛУКСИЗ ОБЪЕКТ ВА НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ ХОССАЛАРИ**  
**АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИ**  
**МАҚБУЛЛАШТИРИШ УСУЛИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.02- Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Холмонов Сунатилло Махмудович**

Узлуксиз объект ва нейрон тармоқлари хоссалари асосида ахборотларга  
ишлов беришни мақбуллаштириш усул ва алгоритмлари..... 3

**Холмонов Сунатилло Махмудович**

Методы и алгоритмы оптимизации обработки данных на основе свойств  
непрерывных объектов и нейронной сети ..... 19

**Kholmonov Sunatillo Makhmudovich**

Methods and algorithms for optimizing data processing on the basis of properties  
of continuous objects and neural network..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМОНОВ СУНАТИЛЛО МАХМУДОВИЧ**

**УЗЛУКСИЗ ОБЪЕКТ ВА НЕЙРОН ТАРМОҚЛАРИ ХОССАЛАРИ**  
**АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШНИ**  
**МАҚБУЛЛАШТИРИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.02- Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

---

**Тошкент–2019**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T190 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жуманов Исроил Ибрагимович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Сафаров Ташпулат**  
техника фанлари доктори, профессор

**Кабильджанов Александр Сабитович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Р.Х.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.М.Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**М.А.Рахматуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мавжуд технологияларни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва технологик агрегатлар қувватини оширишга, ишлаб чиқариш мажмуалари бошқаруви тараққиётига ҳамда оптимал бошқаришга қаратилган замонавий технологияларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги пайтда, тезкорлик билан ривожланаётган турли тармоқларда реал технологик объектларни бошқариш жараёни сифатини ва юқори даражада сифатли бўлган маҳсулотларни кам энерго ва ресурс харажатларда амалга оширишни таъминлашнинг жиддий ашёвий воситалари сифатида ахборот технологияларини қўллаш жуда долзарб масалалардан бири эканлиги эътироф қилинмоқда. Бу соҳада тадқиқотлар жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, хусусан АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси, Канада, Япония, Англия, Германия, Франция, Жанубий Кореяда бажарилмоқда ҳамда ишлаб чиқаришлар самарадорлиги ва маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминловчи технологик объектларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга жиддий эътибор беришмоқда.

Жаҳонда автоматлаштириш, электронлаштиришнинг ҳар хил соҳаси тизимларини, бошқариш автоматлаштирилган тизимларни турли хўжалик тармоқларида жадаллик билан қўллаш ва тараққий қилишни ҳамда биринчи навбатдаги масала сифатида инновацион ғоялар ва бошқариш технологияларни қўллаш жиддий тадқиқот саволлари сифатида таъкидланади. Шу жумладан, ностационар объектга эга мураккаб тизимлар тафаккурли таҳлил, бошқариш, бошқарув қарорларини қабул қилишни қўллашга қаратилган ҳамда статистик, динамик, нейрон тармоқлари ва бошқа эволюцион ҳисоблаш моделларига асосланган ахборотларга ишлов бериш усуллари интеграциясини амалга оширишни бошқарувига қаратилган усул, модель, алгоритмларни яратилишини илмий жиҳатдан асослаш жуда муҳим.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган чоратадбирларда тафаккурли бошқарув тизимларини ва ягона ахборот муҳити яратилиши тараққиёти бошқарув тизимларини оптималлаштирувчи усул, модель ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш асосида амалга оширишга алоҳида эътибор берилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ...»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ностационар узлуксиз табиатли объект маълумотлари статистик параметрлари, динамик хусусий таснифларидан фойдаланувчи информатив элементларини танлаш, ахборот ишончлигини назорат этиш, ўзгарувчилар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

қийматини мувофиқлаштириш механизмларига асосланган кам харажатда тасодифий вақтли қаторни идентификациялашни самарали ва ахборотларни қайта ишлашни амалга оширувчи модель ва алгоритмларни ишлаб чиқиш масалалари муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2018 йил 19 феврал ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» Фармонлар, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли функцияга йўналтирилган, ахборотга мақбул ишлов бериш ҳамда идентификациялаш, информатив элементни танлаш янги технологиялари яратилиши билан боғлиқ илмий-тадқиқотлар илғор мамлакатлар илмий марказларида, илмгоҳларида, университетларида бажарилмоқда. Шу билан бирга юқори даражада эҳтиёж борлиги нейрон тармоқларига (НТ) асосланган янги иловалар, технологиялар яратилишига асос бўлмоқда.

Кейинги 10-15 йиллар адабиётлари таҳлили бўйича шуни таъкидлаш мумкинки, ахборотга ишлов бериш назария ва амалиёти тадқиқотлари тараққиётига ҳисса қўшган чет эллик олимлардан Ch.W.Bachman, W.W.Peterson, D.Ritchi, E.F.Codd, C.J.Date, Alan Turing, E.N.Gilbert, R.C.Bose, Danish Jamil, Peter Pin-Shan Chen, Чжо Зо Е, В.Б.Кудрявцев, Д.А.Полянский, Э.Э.Гасанов, А.И.Репин, А.Н.Савельев, В.Р.Сабанин, В.С.Бурцев, В.А.Котельников, Ю.В. Гуляев ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Мамлакатимизда ахборотни тафаккурли таҳлил қилишни мақбул технологиялари назариясига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан Д.А.Абдуллаев, Ф.Б.Абуталиев, Т.Д.Раджабов, Н.Р.Юсупбеков, Т.Ф.Бекмуратов, М.М.Камилов, Х.З.Игамбердиев, А.Р.Марахимов, Р.Х.Хамдамов, А.Н. Нишанов, М.А. Рахматуллаев, Ш.Х.Фазилов, И.И.Жуманов, Х.Н.Зайнидинов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Дастлабки маълумот танқислиги, параметрли ноаниқлик шароитларида узлуксиз объект хоссалари бўйича маълумот ишончлиги ва аниқлигини таъминловчи ва нейрон тармоқларига асосланган технологиялар етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режаси ҳамда давлат илмий тадқиқот дастури А5-039 «Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишнинг параллел алгоритмларини қуриш дастурий воситаларини ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ишлаб чиқариш мажмуаларини бошқариш тизимида қарор қабул қилишни мақбуллаштириш учун ностационар объект ва нейрон тармоқлари хоссаларидан фойдаланишга асосланган ахборотга оптимал ишлов бериш модели, алгоритм ва дастурий воситаларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муаммо услубияти таҳлили, модель ва усуллар хусусиятлари ва имкониятларини белгилаш, ноаниқлик мавжуд шароитда ахборотга оптимал ишлов бериш конструктив ёндашув, принцип ва меъзонларни таклиф қилиш;

объектларни статистик тавсифлашга қаратилган таркибий-параметрли моделларни синтезлаш, инфор­мацион-статистик параметрлар – дисперсия, энтропия, корреляция коэф­фициентлари, регрессия, ишончили­к бўсаға чегараларини топиш механиз­млари бўйича ахборотга мақбул ишлов бериш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

хусусий таснифларни ажратиш, «кирув ва чиқув» нозичиқ боғланиши, рекуррентли кўриниш, матрицани ўгириш, ўзгарувчиларни мослаштириш, когнитив таҳлил қилиш, стохастик моделлаштириш механиз­млари асосида динамик тавсифлашни амалга оширувчи усул ва алгоритм ишлаб чиқиш;

ахборотга оптимал ишлов берувчи такомиллашган механизминини кўп ва уч қобикли нейрон тармоқларини ўргатиш асосида ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқариш-технологик мажмуа бошқариш тизимларида тасодифий вақтли қаторлар башорати учун ахборотга ишлов беришни мақбуллаштирувчи дастурий мажмуа ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида дастлабки ахборот танқислиги, ностационарлик, ноаниқлик, қайта ишланувчи маълумотлар ишончсизлиги мавжуд шароитлар ва инфор­мацион жараёнлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ишлаб чиқариш технологияларини мақбул бошқариш, ахборотни тафаккурли таҳлил қилиш технологиясининг турли соҳада қўллашга қаратилган усул, алгоритм, дастурий мажмуалардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, бошқариш, ахборотларни қайта ишлаш, алгоритмлаштириш, моделлаштириш, тасодифий жараёнлар, адаптация, статистик таҳлил, нейрон тармоқлари ва юмшоқ ҳисоблаш назариялари усуллари­дан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

ахборотга ишлов бериш алгоритмлари асосида бошқарув қарори қабул қилиш тизимида тасодифий вақтли қаторни идентификациялаш, ўзгарувчиларни мослаш механиз­млари самарадорлиги ишлаб чиқилган;

узлуксиз объект ва нейрон тармоқлари хоссалари асосида ахборотларга ишлов беришни мақбуллаштириш усул ва алгоритмлари такомиллаштирилган;

статистик параметр, динамик хосса, вақтли қатор информатив элементини танлаш, маълумот ишончилигини таъминлаш кенг спектрдаги моделлар синтезига таянган тавсифлаш механизмлари ишлаб чиқилган;

кўп, уч қобикли, радиал-базисли нейрон тармоқлари компонентларининг ҳисоб схемалари такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тасодифий вақтли қатор информатив элементини танлаш, маълумот ишончилигини назорат қилиш, модель ўзгарувчиларини мувофиқлаштириш, ахборот хоссаларини ажратиш ва фойдаланиш ҳамда мақбул ишлов бериш функцияларини амалга оширувчи алгоритм, модуллар, ҳамда дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

дастурий мажмуа самарадорлиги ўртаквадратик хатолик, мураккаблик ва нарх қиймати коэффицентлари бўйича номойишланган, натижада ахборотга ишлов бериш аниқлиги уч тартибга ошишлиги, мураккаблик ва нарх қиймати коэффицентлари 5-6 мартаба камайишлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ва тўғрилиги ишлаб чиқилган дастурий мажмуа ва унинг модуллари қўлланилишга яроқчилиги, назарий ва амалий натижалар мослиги, ностационар объектларни башорат қилиш масалаларини реал шароитларда ечиш ҳамда жорийлаштирилган алгоритмлар самарадорлигининг қиёсий таҳлили асосида изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборот статистик параметрлари, динамик, хусусий таснифларини олиш ҳамда нейрон тармоқлари хоссаларини қўллаш концепция ва принциплари асосида маълумотларга ишлов беришда юқори аниқликни таъминловчи усул ва алгоритмларни яратиш ҳамда натижаларни статистик, динамик моделлар ва тафаккурли гибрид тавсифлашни амалга оширувчи ёндашув асосида изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тасодифий вақтли қатор информатив элементларини танлаш, ахборот ишончилигини назорат этиш, ўзгарувчиларни мувофиқлаштириш, ахборот хоссаларини олиш механизмлари, НТ компонентлари, НТни ўргатиш ҳисоб схемаларини қўллаш бўйича изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кўрсаткичларни башорат қилишга қаратилган ахборотга ишлов берувчи модель, алгоритм ва дастурий воситалар ҳамда информатив белгиларни танлаш, ахборот ишончилигини назорат қилиш, ўзгарувчилар қийматини мувофиқлаштириш ва мақбуллаштириш механизмлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

информатив элементларни танлаш, ахборот ишончилигини назорат қилиш, ўзгарувчилар қийматини мувофиқлаштириш ва мақбуллаштириш механизмлари бўйича ишлаб чиқилган модель, алгоритм ва дастурий воситалар «Самарқанддонмахсулот» АЖда жорий этилган («Ўздонмахсулот»



АКнинг 2019 йил 6 майдаги 5-3/54-918-сон маълумотномаси). Натижада тасодифий вақтли қатор идентификацияси аниқлиги уч тартибга ошиши, ахборотга ишлов бериш мураккаблик ва нарх қиймати коэффициентлари 7-8 маротаба камайиши кўрсатилган. Ахборот ишончилигини оширувчи, сегментация, фильтрация, информатив элементларни танлаш, ўзгарувчиларни мувофиқлаштириш, тасодифий вақтли қаторни тавсифлаш механизмлари қўлланиши эса, маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган моддий харажатлар миқдорини ўртача 8-9% камайтириш имконини берган;

ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини мақбуллаштиришнинг ишлаб чиқилган модель ва алгоритмлари «Ўзбектелеком» Самарқанд филиали фаолиятида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 10 июндаги 33-8/3952-сон маълумотномаси). Натижада тасодифий вақтли қатор идентификацияси аниқлиги уч тартибга ошиши, ахборотга ишлов бериш мураккаблик ва нархи қиймати коэффициентлари 7-8 маротаба, ишлаб чиқаришга чамаланган моддий харажатлар миқдори ўртача 20% камайиши имконини берган;

информатив элементларни танлаш, ахборот ишончилигини назорат қилиш, ўзгарувчилар қийматини мувофиқлаштириш ва мақбуллаштириш механизмлари бўйича ишлаб чиқилган модель, алгоритм ва дастурий воситалар Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани Худудий электр тармоғи корхонаси фаолиятида жорий этилган («Худудий электр тармоқлари» АЖнинг 2019 йил 30 сентябрдаги, 01-02/331-сон маълумотномаси). Натижада тасодифий вақтли қатор идентификацияси хатолиги тренд моделлари бўйича 30%, авторегрессия модели бўйича 47%, адаптив муайянлаштириш модели бўйича 52%, сирпанувчи регрессия модели бўйича 58% камайиши; ахборот ишончилиги икки тартибга, электр истеъмоли башорати аниқлиги эса 97% гача ошиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, 1 таси хорижий ва 11 таси республика журналларида чоп этилган, шунингдек 4 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари ҳамда уларнинг назарий, амалий моҳияти талқин қилинган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ахборотга мақбул ишлов беришнинг конструктив ёндашуви, принцип ва моделлари»** номли биринчи бобида турли бошқариш тизимларида маълумотларга ишлов бериш учун яратилган усулларнинг замонавий назария ва амалиёти таҳлил қилинган, аҳамиятли жиҳат ва хусусиятлари аниқланган, информатив белгиларни танлаш, ахборот ишончилигини ошириш, модель ўзгарувчилари қийматини мувофиқлаштирувчи механизмлар асосида ностационар объектни тавсифлаш конструктив ёндошув, принциплари таклиф этилган. Асос сифатида, статистик параметрлар, белги ва факторлар алоқалари, кўп факторли боғланишлар, турли корреляция коэффициентларини аниқлаш, ҳамда натижавий кўрсаткичнинг факторлар билан боғланиши, тасодифий вақтли қатор (ТВҚ) динамикаси нозичиқ тренд тенденциялари моделлари, регрессион боғланиш, муайянлаштириш функцияларни танлаш ва улардан мақбуллаштиришда фойдаланиш механизмлари аниқланилган.

Қидириш, статистик ва динамик тавсифлаш, информатив элементини танлаш, ўргатиш танламаларини шакллантириш, маълумот ишончилигини назорат қилиш, ўзгарувчиларни мувофиқлаштириш ҳисоб схемалари ҳамда воситалари бажарилиши турли ва катта сонли ўзгарувчиларни жойлаштиришдаги мураккабликлардан боғлиқлиги таъкидланган.

Мавжуд статистик ёндошув усулларни маълумотларга ишлов беришни мақбуллаштириш учун қўллаш мақсадида математик кутилма, дисперсия, автокорреляция функцияси, ўзаро, жуфт, тўплам корреляция ва регрессия коэффициентлари каби статистик параметрларни аниқлаш, баҳолаш ва масалаларни ечиш механизмлари яратилишига қаратилган. Динамик ёндошув ва усуллар эса, жараён стационарлик, бўлакли стационарлик, ностационарлик хосса ва объект хусусиятларини ажратувчи механизмларга таянади. Шунинг таъкидлаш керакки, яратилган ёндошувлар бўйича масалалар дастлабки маълумотга танқислик, параметрли ноаниқлик, жараён ностационарлиги, ахборотга ишончсизлик, ишлов беришда катта хатолик мавжуд бўлишлиги мумкин шароитларда мураккаб ечимга эга. Объектни тавсифлаш модели эса, дастлабки маълумотлар ҳажми етарли даражада берилса ҳамда тавсифловчи усуллар стационар ва бўлакли-стационар жараёнларга қўлланилган ҳоллардагина ишончли ҳамда самарали бўлишади.

Диссертацияда объектни тавсифлаш, маълумот хоссаларини ажратиш механизмларидан фойдаланиш учун таклиф этилган конструктив ёндашув ва

принциплар асосида яратилган модель, усул ва дастурий мажмуалар (ДМ) онтологияси қурилган.

ТВҚга дастлабки статистик ишлов бериш ҳисоб схемаларини такомиллаштириш услубияти таклиф этилган. Шу асосда, статистик параметрларни, ансамбл таркибидаги модель содда ҳисоб схемаларини танлаш, ностационар объектларни тавсифлашда моделни мақбул ўргатувчи дастурий воситаларни олиш жиддий моҳиятга эгаллиги асосланган.

ТВҚни хос равишда тавсифлаш мақсадида 47 тренд функциялар асосида: чизикли, ночизик, логарифмик, кўрсаткичли, рационал-касрли; авторегрессия, кўпҳадли регрессив боғланиш; Р.Браун мослашувчан модели, статистик башорат қилувчи, алгебраик кўпҳад, полиномлар асосидаги аппроксимацияловчи моделлар ансамбли таркиблаштирилган.

Эвристик кидирув, информатив элементни танлаш, хатоликни рухсат чегараси қийматларида назорат қилиш, модель ўзгарувчиларини мувофиқлаштириш механизмларига эга ТВҚни хос равишда тавсифловчи ҳисоб схемалари таклиф этилган. Тадқиқотлар ахборотни қайта ишлаш ўрта квадратик хатолиги, мураккаблик ва харажат қиймати коэффициентлари каби меъзонлар бўйича бажарилган.

ТВҚни авторегрессия асосида тавсифлаш, информатив элементни танлаш, маълумот ишончилигини назорат қилиш, ўзгарувчиларни қуйи ва юқори чегараси мавжуд бўлган ишонч интервалида мувофиқлаштириш механизмларини қамраган услубият ишлаб чиқилган. Яратилган услубиятда кетма-кет таҳлил, Байес баҳоси ва  $\pm 3\sigma$  қоидаларидан фойдаланилган.

Ахборотга ишончлик функцияси бўсаға, орттирмалар қиймати, статистик башорат, алгебраик кўпҳадларни қўллаш натижалари бўйича назорат қилишга қаратилган алгоритмлар самарадорликлари тадқиқ қилинган. Масала ечими мақбул назорат қилиш чегараларини, хатолар аниқланмаслиги эҳтимоли функцияси ифодаларини олишга қаратилган. Олинган минимал эҳтимоллик функцияси ифодаси бўйича натижалар ахборотда хатолик содир бўлишининг ўртача эҳтимоли  $P = 3,7 \cdot 10^{-3}$ , жараён дисперсияси  $\sigma_{\alpha}(t) = 0,1$  қийматларида ҳисобланган ҳамда бу функция қиймати танланган параметрлар қийматлари камайишига пропорционал боғлиқлиги аниқланган.

Ахборотга ишлов бериш ўртаквадратик хатолиги меъзони бўйича ўтказилган тадқиқотларда, яратилган алгоритмлар ахборотга ишлов бериш аниқлигини икки тартибгача ошириши мумкинлиги асосланди. Қўйилган мақсадда, жорийлаштирилган трендли моделлар (ТМ), авторегрессия ифодалар (АР), Р.Браун адаптив модели (АМ), статистик экстрополяция моделлари (СР) синовдан ўтказилган. Бундан ташқари барча турдаги алгоритмлар учун ўртақиймат натижалар кўринишида рейтинг баҳолари олинган. Тадқиқот натижаси, унумдорлик бўйича СР яхши рейтингга эга эканлигини, маълумотга ишлов бериш аниқлигига эришиш нуқтаи назаридан АМ энг самарадор эканлигини кўрсатди. Ностационар жараёнларни идентификациялашда эса, АР бўйича ижобий натижалар кўрсатилди.

Берилган шартда АМ ва АR алгоритмлари рейтинг баҳолари, дастлабки ва редукцияланган маълумот танламалари мисолида қарийб бир хил бўлди. Яна яратилган алгоритмларнинг маълумотларга ишлов беришда қуйидаги устунликка эга хусусиятлари кўрсатилди. Синтезлашган ТМ асосида ахборотга ишлов бериш хатолиги кўлами қарийб 30% га, АR бўйича 47% гача, АМ бўйича 52% гача, СR бўйича 58% гача камаяди ва яратилган усуллар ностационар жараёнлар синовиди анча самарадор экан. ТВҚни тавсифловчи гибрид модель кўринишини ташкил қилиш назарий жиҳатдан асосланган. Умумлашган моделлар самарадорлиги чизикли, ночизикли филтрлари, ортогонал полином, параболлик, кубик сплайн-функциялар бўйича тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг «**Қарор қабул қилиш тизимида ахборотга мақбул ишлов бериш**» номли иккинчи бобида маълумотларга мақбул ишлов бериш учун ностационар объектни динамик тавсифлаш, информатив белгини танлаш, маълумот ишончилигини назорат қилиш, ўзгарувчиларни мувофиқлаштириш механизмларига таянган усул ва алгоритмлар яратилган. Ишда информатив белгиларни танлаш механизми асосий параметрлари сифатида математик кутилма, дисперсия, корреляция функциялари, тақсимот функцияларини маълумот статистикасига танқислик мавжуд ҳолларда тезкор ҳисоблашни таъминловчи услубият формал модели таклиф этилган. Ахборотни ўгирувчи моделлар тури, статистик ва корреляция боғлиқликни, регрессия коэффицентларини, энтропия ва информация миқдорини, дисперсия баҳоларини берувчи услубият ишлаб чиқилган. Ахборот динамик таснифларини олиш ҳисоб схемаларининг такомиллаштирилган вариантлари таклиф этилган. Яратилган услубиятлар самарадорлиги классик услубият баҳолари билан солиштирган ҳолда тадқиқ қилинди. Ҳисоб натижалари аниқлиги, аънавийлардан кам эмаслиги, ҳамда улар ҳисоб вақтини 2 мартабо камайтиришга олиб келишлиги кўрсатилди. ТВҚ хоссаларини трансляция ҳамда АРМ бўйича экстраполяция қилувчи, олдинги нуқталар бўйича натижанинг чизикли кўринишини таъминловчи усул таклиф этилган.


Таклиф этилган ёндошувда ТВҚ элементи миқдорий коэффицентини ўзгартириш, эски миқдорий коэффицентлар векторига бу ўзгаришни киритиш, градиент бўйича мақбуллаштириш коэффицентига кўпайтириш каби функциялар амалга оширилади. Шу сабаб, миқдорий параметр градиентини дифференциаллаш ҳисоб схемаси такомиллаштирилган.

ТВҚни тавсифлашда содир бўладиган ўртакватратик хатоликнинг аналитик баҳолари статистик ва динамик моделлар ансамбли асосида экспоненциал, қўнғирокли, учбурчакли кўринишидаги автокорреляция функциялари қийматларида тадқиқ қилинган. Шу қаторда “кириш ва чиқиш” боғланиши стохастик моделларига таянган натижавий кўрсаткич факторли таъсир ҳамда эластиклик коэффицентларини ҳисоблаш формулалари олинган. ТВҚни динамик тавсифлаш учун Лагранж, Ньютон, Чебышев алгебраик кўпҳадлар хусусиятларидан фойдаланувчи усул ишлаб чиқилган.


Натижада, ТВҚни самарали идентификациялаш модели сифатида Ньютон кўпҳади таклиф этилган ҳолда ҳисоблаш операциялари мураккаблиги ва қийматлари Лагранж ва Чебышев алгебраик кўпҳадлари қўлланганда нисбатан 6-7 мартабага қисқариши асосланган. Масала шрти полиномнинг бошқа ҳадлари кўрилмаслиги талаби бўйича фақат охириги ҳад даражасини мувофиқлаштирувчи соддагина механизмни қўллашдан иборат.

1-расмда, ахборотга ишлов бериш алгоритмларининг алгебраик кўпҳаднинг  $n$  даражасига боғлиқ ҳолида бажариладиган  $S_{on}$ -ҳисоб операцияси мураккаблик ва қиймат коэффицентлари графиклари намоёнланган. Бунда, (1-чизик) Ньютон, (2-чизик) Лагранж, (3-чизик) Чебышев кўпҳадлари бўйича олинган натижалардир. Шу қаторда алгоритмнинг кўпҳад  $n = 5$  даражасидаги ўртакватратик хатолиги кўрсатилган. Аммо  $n \leq 4$  ёки  $n = 6$  ва  $7$  даражаларида алгоритмлар самарадорлиги унча фарқ қилмайди. Тадқиқот асосида олинган ўртакватратик хатолик қийматини аниқлаш имконини берувчи ифодалар масаланинг аналитик ечимини ташкил қилади.

2-расмда, ахборотга ишлов бериш алгоритми нисбий ўртакватратик хатолиги  $G_n = \sigma_n^2 / B$  графиклари параметр  $G_\alpha = \sigma_\alpha(t) / B$ -жараён нисбий дисперсиясига боғлиқлик равишда намоён қилинган. Алгоритмлар учбурчак, экспоненциал, кўнғирокли кўринишдаги автокорреляция функциялари асосида тадқиқ қилинган.



**1-расм. Кўпҳадга боғлиқ мураккаблик**



**2-расм. Ахборотга ишлов бериш алгоритмлари аниқлиги**

Бунда, (ясси чизик) авторегрессия моделлари, (пунктир чизик) Ньютон алгебраик кўпҳади, (штрихпунктирли чизик) статистик башорат қилиш моделлари, (штрих икки пунктирли чизик) когнитив таҳлилга эга стохастик моделлар бўйича яратилган алгоритмлар графиклари. Натижалар  $\tau = \delta / \omega = 0,1$ ;  $\sigma_\alpha(t) = 1,0$ ;  $B = 10^2$  ҳамда  $P = 10^{-3}$  параметрлар қийматларида кўрсатилган. Стохастик таҳлил, силжиш қадами бўйича назорат ва эмпирик таҳлика баҳосини берувчи моделлар имкониятлари умумлаштирилган.

Диссертациянинг «Узлуксиз объектни нейрон тармоқлари бўйича гибрид тавсифлаш асосида ахборотга мақбул ишлов бериш» номли учинчи бобида когнитив таҳлилли стохастик моделлар, нейрон тармоқлари

ва маълумотлар хоссаларини олувчи механизмларни синтезлаштириш концепция ва принциплари асосида ахборотга мақбул ишлов бериш усул ва алгоритмлари таклиф қилинган. Когнитив таҳлил, ТВҚ хоссаларини НТга трансляциялаш амалларини бажариш, стохастик моделлаштириш, тасвирли юзаларни визуаллаштириш, графикли акслантириш, ўзгарувчилар қийматини рухсат этилган чегарада мослаштирувчи механизмларни куриш назарий услубиятлари ишлаб чиқилган.

ТВҚни идентификация қилиш масалалари маълумот танқислиги, ностационарлик, ноаниқлик, ташқи таъсирлар мавжуд шартларда ечилган ҳамда ахборотга мақбул ишлов бериш усул ва алгоритмлари имкониятларини кенгайтириш чегара ва соҳалари аниқланган. Қабул қилинган шартларда ахборотга ишлов беришнинг икки вариантдаги такомиллаштирилган ҳисоб схемалари ишлаб чиқилган. Биринчисида, «кирув ва чиқув» рекуррентли функция кўринишида берилган механизм ўзгарувчиларни мувофиқлаштиради, иккинчисида эса, нейрон тармоғи компоненталари ва ўргатиш алгоритмлари ҳисоб схемалари ўзгарувчиларини мувофиқлаштирувчи ва стохастик модель синтезига асосланган мақбуллаштирувчи механизм яратилади. НТга асосланган механизмлар яширин қобиқларда нейрон сонлари ва активация функциялари кўриниши маълум бўлишлигини талаб қилади. Ишда, НТни ўргатувчи такомиллашган ҳисоб схемаси чизикмас дискрет тенгламалар тизимини ечишга асосланган.

Динамик тавсифлаш моделини қўллашда қуйидаги белгиланишда берилган параметрларни:  $N$ -тармоқ кируви сони;  $h$ -тармоқ яширин қобиғидаги нейронлар сони;  $Z$ -тармоқ чиқуви сони;  $Q$ -ўргатувчи маълумот танламаси ўлчами  $x = (x_1, x_2, \dots, x_N)$ ;  $c_j = (c_{j1}, c_{j2}, \dots, c_{jN})$ -тармоқ яширин қобиғидаги  $j$  нейрон активация функцияси координатаси;  $\sigma_j$ -тармоқ  $j$ -яширин қобиғидаги нейрон активация функцияси ойнаси кенглиги мувофиқлаштириш механизмларини куриш услубияти ҳамда НТни ўргатувчи алгоритм варианты ишлаб чиқилган.

Яратилган тармоқни ўргатувчи алгоритм, кирув нейронлари миқдорини ҳисоблаш, тахрир қилиш, активация функциясини бериш процедуралари асосида умумлаштирилган. НТни ўргатишнинг таклиф этилган қоидаси қуйидагича берилади:

$$w_{k+1} = w_k - [H_k + \eta I]^{-1} g_k,$$

бунда  $H_k = J^T J$ ,  $g = J^T e$ ;  $J$ -Якобиан,  $e$ -хатолик вектори;  $\eta$ -скаляр катталиқ,  $I$ -бирлик матрицаси.

НТ ўргатиш қоидасига асосан, мабода хатолик функцияси қиймати камайса  $\eta$  коэффиценти  $\eta^+$  маротабага оширилади, тескари ҳол кузатилса  $\eta^-$  маротабага камайтиради. Ишда НТ чиқув нейронлари миқдорини билиш учун қуйидаги тенгламалар тизими ечилган


$$w^T = \Phi^{-1} D.$$

Масала ечимининг асосий хусусияти мурожаат-матрицани шакллантириш ва Гаусса-Ньютон усулини қўллашдан иборат. Масаланинг хусусий ечими псевдо мурожаат матричасига асосланади.

НТни ўргатиш учун умумлаштирилган алгоритмнинг икки такомиллаштирилган вариантлари яратилган. Биринчисида, ахборотга дастлабки ишлов бериш ва ТВҚни сегментация қилиш, тренд, авторегрессия моделлари бўйича мослашувчан муайянлаштириш ҳамда сигмоидали, радианли боғланишдаги уч қобикли НТ ҳисоб схемалари ва стохастик моделлар синтезлаштирилган. Иккинчисида, НТни ўргатувчи умумлашган алгоритми ТВҚни фильтрациялаш, хоссасини трансляция қилиш, фильтр элементи миқдорий коэффицентини мувофиқлаштириш, ностационарликни бартараф қилиш, динамик тармоқни ёйишда  $L$  яширин қобикда  $N^L$  нейронларга эга фильтрни кечиктириш босқичини амалга оширувчи механизмлар асосида яратилган.  $10^{-1}$ ,  $20^{-1}$  ва  $30^{-1}$  архитектураларда кўпқобикли статистик ва динамик тадқиқ қилинган.

Активация функцияси сифатида гиперболик тангенс, тармоқ чиқуви қобигида эса нейронлар чизиқли активация функциялари қўлланилган. Ишлаб чиқилган назарий услубиятга асосан умумлаштирилган алгоритмлар самарадорлиги таҳлил қилинган.

Натижада, алгоритмларнинг хатоликга нисбатан турғунлиги сезиларли даражада ошиши, жараён ностационарлиги сусайиши, тармоқ чиқувидан олинган маълумотлар дисперсияси қиймати 5% дан ортиқ бўлмаслиги, ҳамда харажатлар қиймати талабга мос келиши асосланди.



3-расм. НТни ўргатиш усули самарадорлиги

3-расмда умумлашган алгоритмнинг ўрта квадратик хатолик функцияси графиклари  $\sigma_{об}(t)$  НТни ўргатиш вақти  $t$  дан боғлиқ бўлган ҳолларда намоёнланган.

Бунда ■ – икки қобикли градиент мақбуллаштириш алгоритми; ▲ – уч қобикли қўшма градиентли мақбуллаштириш алгоритми; ○ – уч қобикли стохастик мақбуллаштириш алгоритми.


Алгоритмлар MATLAB муҳитида синалган. Дастурий воситалар кўп функционалли РСІ 6025Е кирув/чиқув платаларига асосланган.

Диссертациянинг «Узлуксиз объект ва нейрон тармоқлари бўйича ахборотга мақбул ишлов берувчи дастурий мажмуа» номли тўртинчи бобида ТВҚ информатив элементини танлаш, маълумот ишончилигини назорат қилиш, модель ўзгарувчиларини мувофиқлаштириш, статистик параметрлар, динамик таснифлар ва НТ хусусиятларини қўллаш механизмларига асосланган ва ностационар объектни башорат қилишга қаратилган кўп модулли, муаммога йўналтирилган ахборотга мақбул ишлов берувчи дастурий мажмуа (ДМ) ишлаб чиқилган.

ДМнинг мослаштирилган дастурий таъминоти НТни мақбул ўргатиш, тармоқ компоненталари ҳисоб схемалари параметрларини мувофиқлаштириш, ахборотни киритиш, тақдимлаш, ўгириш, ташкиллаштириш модулларидан иборат. ДАМ интерфейси кўп босқичли меню ва экран формаси панели кнопкалари орқали таъминланади.

Жорийлаштиришнинг асосий жиҳати, ТВҚни нуқта модели сплайн-функция бўйича муайянлаштирувчи умумлашган алгоритм дастурий модулини предмет соҳага қўллашга қаратилган ҳамда C++ тилида бир ядроли режимда, икки ядроли AMD Athlon 64X2 4800+ процессори асосида, GPU аппарат-дастурий воситаларига эга CUDA параллел ҳисобланиш муҳитида амалга оширишдан иборат.

4-расмда умумлаштирилган алгоритмнинг ахборотга ишлов бериш самарадорлиги турли моделлар, жараён дисперсиясининг ўртаквадрат хатолигига нисбати коэффиценти бўйича  $K$  таққосланган. Абцисса ўқи бўйича ишлов бериладиган ахборот ҳажми  $N$  ўлчанади.



4-расм. Алгоритмнинг самарадорлиги

1-график (штрих икки пунктир чизик) авторегрессия модели, 2-график (штрихпунктир чизик), 3-график (штрихли чизик), 4-график (ясси чизик) уч, беш, етти нуқтали ТВҚни муайянлаштирувчи кубик-сплайнлар, уч қобикли НТ, кўп сеткали цикллаштириш воситаларини қўллаш асосида намойишланган.

Натижада, алгоритмлар тақсимланадиган хотирага эришиш тезлигини, глобал хотирага эришиш тезлигига нисбатан икки тартибга ошириш имкониятига эгалиги

аниқланди. Тақсимланган хотирага маълумотни блокчи юклаш усули қўлланилса, бажарилиши зарур операциялар тезлиги сезиларли даражада ошиши кузатилди. Икки ўлчовли индексация қилиш усули параллел оқимларда қўлланилса ахборотга ишлов бериш вақти қарийб 1,5-1,8 маротаба камайтиради.

1-жадвалда ахборотга ишлов беришга тавсия этилган алгоритмлар самарадорлиги қиёсий таҳлили аниқлик, мураккаблик ва қиймат коэффицентлари асосида кўрсатилган. Ишда, алгоритмларнинг ахборотга пакетчи ишлов бериш тизими кўрсаткичларига нисбатан маълумотни қайта ишлаш аниқлигини икки-уч тартибга ошириши; мураккаблик ва қиймат коэффицентларини беш-олти маротабага камайтириши асосланди.

Самарқанд вилояти турли корхоналари фаолиятида ДМ ни қўллаш учун самарадорлик ҳисоби услубияти яратилган. Ишлаб чиқилган, визуаллаштириш, трансформациялаш, таҳлил қилиш, компьютерда ишлов бериш алгоритмлари аниқ предмет соҳага қўлланишлиги учун тавсия этилган.



## Маълумотга ишлов бериш алгоритмлари самарадорлигининг қиёсий таҳлили

№	Маълумотга ишлов бериш алгоритмлари	Самарадорлик меъзонлари қийматлари				Мослаштирувчи параметрлар
		Маълумотга ишлов бериш ҳатолиги – $\sigma_{п}$	Ҳатолик камайиши $K_{с=}$ $\sigma_{п} / \sigma_{г}$	Маълумотга ишлов бериш мураккаблиги камайиши - $K_{пп}$	Маълумотга ишлов бериш харажат қиймати камайиши – $K_{сп}$	
1	2	3	4	5	6	7
	Ахборотта пакетли режимда ишлов бериш	$10^{-1}$	100	1	1	визуал
	<b>Объектлар статистик таснифи ҳамда ахборот С хоссаларидан фойдаланувчи механизмлар асосида мақбуллаштириш</b>					
..	ТВҚ информатив элементларини танлаш	$3 \cdot 10^{-3}$	30	2	2	статистик
	маълумотни узатиш ва қайта ишлаш ишончлигини назорат қилиш	$5 \cdot 10^{-3}$	500	2,7	2	бўсага чегаралари
	ўзгарувчиларни мувофиқлаштириш ва мослаштириш	$7 \cdot 10^{-4}$	700	3,2	3	регрессия коэфф.
	<b>Объектлар динамик таснифи ҳамда ахборот D-хоссаларидан фойдаланувчи механизмлар асосида мақбуллаштириш</b>					
	ТВҚ информатив элементларини танлаш	$1,5 \cdot 10^{-4}$	150	2,8	2	корреляция коэфф.
	маълумотни узатиш ва қайта ишлаш ишончлигини назорат қилиш	$7 \cdot 10^{-4}$	700	3,2	3	мослаш чегаралари
	ўзгарувчиларни мувофиқлаштириш	$1,5 \cdot 10^{-5}$	1500	6	6	регрессия коэфф.
	<b>НТ U-хоссаларидан фойдаланувчи механизмлар ҳамда тақомиллаштирилган мақбуллаштириш ҳисоб схемалари</b>					
...	активация функциялари ойнаси кенглиги, кобиклар сони, кобикларда нейронлар сони, нейронлар микдорлари	$1,5 \cdot 10^{-4}$	150	2,8	2	НТ компонентлари ҳисоб схемалари
...	динамик когнитив моделлар ва НТ умумлашуви	$7 \cdot 10^{-3}$	70	3	3	ўргатувчи алгоритмлар параметрлари
...	НТни ўргатувчи алгоритмлар, рекуррент, қўшма градиентни берувчи механизмлар	$1,5 \cdot 10^{-5}$	150	2,8	4	ўргатувчи алгоритмлар параметрлари
	умумлаштирилган вариантлар	$1,7 \cdot 10^{-6}$	1700	7	7	НТни ўргатиш ҳисоб схемалари ўзгарувчилари

Дастурий восита, модул ва мажмуалар имконияти ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаларида кўрсатилган. ДМ дастурий воситалари тўла ҳажмда, «Самарканддонмахсулот» АЖ, «Ўзбектелеком» Самарқанд филиали акционерлик жамияти, Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани ҳудудий электр тармоғи корхоналари фаолиятларида тезкор бошқарув ва башорат қилиш масалалари ечимида синовдан ўтказилган ва жорий қилинган. Дастурий модуллар СамДУ ўқув, илмий бўлимлари, «Ахборот технологиялари» маркази фаолиятида ҳам қўлланилган.

## ХУЛОСА

«Узлуксиз объектлар ва нейрон тармоқлари хоссалари асосида ахборотларга ишлов беришни мақбуллаштириш усул ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация ишида олинган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни тақдим этиш имконини беради:

1. Яратилган конструктив ёндошув, принцип, ТВҚни тавсифловчи моделлар ҳамда информатив элементларни ажратиш, ахборот ишончлигини ошириш, ўзгарувчилар қийматини мувофиқлаштириш, НТ асосида ТВҚни тавсифлаш такомиллашган ҳисоб схемалар, ҳамда узлуксиз табиатли объект ва НТ хоссаларини олиш механизмлари бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимини қувватлашга қаратилган илмий услубиятини ташкил этади.

2. Объект ТВҚларини кенг спектрли модель, алгоритмлар асосида тавсифлаш ҳамда ахборот-статистик, динамик, хусусий таснифларини ажратувчи, хатоликни мақбул назорат чегарасини олиш механизмларини қўллашга қаратилган масалалар ечими тақлиф этилган.

3. Ишлаб чиқилган, ТВҚ ностационар таркибини, тасодифий тошилмаларини филтрловчи, ўзгарувчилар қийматини мувофиқлаштирувчи механизмларга асосланган модель ва алгоритмлар дастурий модуллари дастлабки маълумотга танқислик, ноаниқлик, ташқи муҳит таъсири мавжуд шароитларда синовдан ўтказилган. Натижада, ахборотга ишлов бериш мураккаблик ва нарх қиймати коэффициентлари 5-6 маротаба камайиши мумкинлиги аниқланди.

4. Ностационар объектни башорат қилиш учун йўналтирилган, турли топологиядаги НТ, стохастик модель, динамик тармоқни ёйиш ва мослаштириш операторлари, НТни ўргатувчи алгоритмлар, нозик филтрлаш механизмига эга ТВҚнинг катта аниқликдаги идентификатори умумлаштирилган самарали ҳисоб схемалари жорийлаштирилган.

5. «CUDA» параллел ҳисоблаш муҳитида, уч қобикли НТ, уч, беш нуқтали кубик сплайн модель ва алгоритмлари, такомиллаштирилган тармоқни ўргатиш, ахборотга ишлов беришни мақбуллаштириш ҳисоб схемалари синтезлашувига таянган дастурий-алгоритмик мажмуа ишлаб чиқилган ва жорийлаштирилган. Дастурий мажмуани қўллаш ахборотга ишлов бериш қиёсий ўртақвадратик хатолиги қийматини уч тартибгача камайтириш имконини беришлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ХОЛМОНОВ СУНАТИЛЛО МАХМУДОВИЧ**

**МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ОПТИМИЗАЦИИ ОБРАБОТКИ ДАННЫХ  
НА ОСНОВЕ СВОЙСТВ НЕПРЕРЫВНЫХ ОБЪЕКТОВ И  
НЕЙРОННОЙ СЕТИ**

**05.01.02 - Системный анализ, управление и обработка информации**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/T190.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Жуманов Исраил Ибрагимович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Сафаров Ташпулат</b> доктор технических наук, профессор <b>Кабильджанов Александр Сабитович</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный технический университет</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.).

**Р.Х.Хамдамов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

**Ф.М.Нуралиев**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

**М.А.Рахматуллаев**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется совершенствованию существующих технологий, повышению эффективности производства и мощности технологических агрегатов, развитию управления производственными комплексами, а также разработке технологий оптимального управления. В последнее время, одной из наиболее актуальных задач в стремительно развивающихся отраслях является применение информационных технологий управления технологическими объектами, позволяющих улучшить его качества и увеличить выпуск высококачественных продукции с наименьшими энерго и ресурсными затратами. В этой области исследования проводятся в нескольких странах мира, включая США, Китай, Индию, Российскую Федерацию, Канаду, Японию, Англию, Германию, Францию и Южную Корею, которые уделяют большое внимание совершенствованию систем управления технологическими объектами, обеспечению конкурентоспособности продукции и эффективности производства.

В мире в качестве важных вопросов отмечаются разработки различных систем автоматизации, электронизации и среди них большое внимание уделяется ускоренному введению и развитию автоматизированных систем управления в различные отрасли хозяйства, современных математических методов и информационных технологий, направленных в первую очередь на внедрение инновационных идей и технологий управления. В тоже время важно научно обосновать необходимость построения методов, моделей, алгоритмов управления сложными системами с нестационарными объектами на основе интеграции интеллектуальных методов анализа, управления, обработки информации, принятия управленческих решений с использованием статистических, динамических, нейросетевых и других моделей эволюционных вычислений.

В рамках, принятых в Республике Узбекистан комплекса мер по развитию интеллектуальных систем управления и созданию единого информационного пространства особое внимание уделено разработке и внедрению систем управления на основе методов, моделей оптимального управления и информационно-коммуникационных технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, направленные на опережающее развитие «...высокотехнологических обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов...»<sup>1</sup>. При осуществлении данных задач одним из важнейших вопросов является разработка эффективных моделей и алгоритмов обработки информации на основе использования информационно-статистических параметров, динамических,

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года.

специфических характеристик информации, особенностей непрерывных объектов с механизмами отбора информативных элементов идентификация случайных временных рядов, контроль достоверности данных, регулирование переменных с наименьшими затратами.

Данное диссертационное исследование направлено в определенной степени на выполнение задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 29 августа 2017 года №ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию информационно-коммуникационных отраслей» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Исследования, посвященные разработке методов, алгоритмов, технологий интеллектуального анализа данных (ИАД) различного функционального назначения, программного обеспечения идентификации, отбора информативных элементов, оптимизации обработки данных интенсивно ведутся в научных центрах, институтах, университетах ведущих стран. Вместе с тем, по мере увеличения потребностей пользователей активно выполняются исследования, посвященные разработке новых направлений и приложений, основанных на применении нейронных сетей (НС) и оптимизации принятия решений.

Анализ литературы за последнее 10-15 лет позволяет отметить, что в мировых исследованиях большой вклад в развитие теории и практики обработки информации в системах управления, внесли зарубежные ученые Ch.W.Bachman, W.W.Peterson, D.Ritchi, E.F.Codd, C.J.Date, Alan Turing, E.N.Gilbert, R.C.Bose, Danish Jamil, Peter Pin-Shan Chen, Чжо Зо Е, В.Б.Кудрявцев, Д.А.Полянский, Э.Э.Гасанов, А.И.Репин, А.Н.Савельев, В.Р.Сабанин, В.С.Бурцев, В.А.Котельников, Ю.В. Гуляев и др. В теорию построения технологий интеллектуального анализа данных значительный вклад внесли отечественные ученые Д.А.Абдуллаев, Ф.Б.Абуталиев, Т.Д.Раджабов, Н.Р.Юсупбеков, Т.Ф.Бекмуратов, М.М.Камилов, Х.З.Игамбердиев, А.Р.Марахимов, С.С.Косимов, И.И.Жуманов, Д.Т.Мухаммадиева, Р.Х.Хамдамов, А.Н.Нишанов, М.А.Рахматуллаев, Ш.Х.Фазилов, Х.Н.Зайнидинов и др.

Определено, что интеллектуальные технологии, гарантирующие достоверность данных при условии нестационарности, априорной ограниченности, неопределенности с механизмом использования свойства

информации непрерывных объектов и нейронных сетей недостаточно изучены.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Исследование выполнено в рамках плана НИР Самаркандского государственного университета, тема государственной научно-технической программы А5-039 «Интеллектуальный анализ данных на основе построения программных инструментов параллельных алгоритмов» (2015-2017 гг.).

**Цель исследования** заключается в разработке моделей, алгоритмов, программных комплексов оптимальной обработки данных в системе принятия управленческих решений на основе использования свойств информации нестационарных объектов и нейронных сетей.

**Задачи исследования** заключаются в следующем:

анализ методологии проблемы, выделение особенностей и возможностей моделей и методов, выработка подходов и принципов, критериев оптимизации обработки данных в условиях неопределенности;

разработка алгоритмов адаптивной обработки данных на основе структурно-параметрического синтеза моделей статистического описания объектов, механизмов извлечения информационно-статистических параметров – дисперсии, энтропии, коэффициентов корреляции, регрессии, контроля достоверности информации по оптимальным порогам;

разработка и реализация механизмов извлечения динамических и специфических характеристик информации, использования рекуррентных представлений нелинейных зависимостей «входы и выходы», обращения матриц, стохастической оптимизации с настройкой переменных;

разработка методов оптимизации на основе нейронных сетей, совершенствование вычислительных схем обучения трехслойной нейронной сети, радиально-базисных сетей с методом Левенберга-Марквардта;

разработка и реализация программных комплексов оптимизации обработки данных для прогнозирования случайных временных рядов в различных производственно-технологических комплексах.

